

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

АБДУРАХМАТОВА КАМОЛА МУРОДЖОН ҚИЗИ

**ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДА
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Абдурахматова Камола Муроджон қизи

Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши
курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш..... 3

Абдурахматова Камола Муроджон қизи

Совершенствование организационно-правовых основ
противодействия коррупции в сфере строительного контроля и
осуществления строительной деятельности..... 25

Abduraxmatova Kamola Murodjon qizi

Improvement of the organizational and legal basis of fighting corruption in
construction control and implementation..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

АБДУРАХМАТОВА КАМОЛА МУРОДЖОН ҚИЗИ

**ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДА
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (Юридик фанлар)

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Ү997 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аминжонова Матлуба Аҳмедовна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тиллабоев Мирзатилла Алишерович
юридик фанлар доктори, профессор

Маманов Сардоржон Собир ўғли
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Ү9.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 09 январь соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./ факс: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (79-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871)202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил 25 декабрда таркатилди.
(2025 йил 25 декабрдаги 43-рақамли реестр баённомаси).



М.Т.Тургунов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қурилиш соҳаси коррупция хавфи энг юқори тармоқлардан бири ҳисобланиб, Transparency Internationalнинг “Пора тўловчилари индекси” (Bribe Payers Index) маълумотларига кўра, мазкур тармоқ порахўрликнинг барча шаклларига энг мойил деб баҳоланган¹. Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларида эса коррупция қурилиш харажатларини 10–30 фоизга ошириши қайд этилгани², соҳада коррупциянинг олдини олиш ва шаффофликни таъминлаш масаласини халқаро ҳамжамият учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис, OECDнинг “Инфрагузилмада коррупцияга қарши стандартлар тўплами” (Infrastructure Anti-Corruption Toolbox) дастури инфрагузилмада шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга қаратилган янги стандартларни илгари сурмоқда³.

Жаҳонда қурилиш соҳасининг қиймати 13 триллион доллардан ортиқ бўлиб, глобал иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлиги учун ҳал қилувчи сектор ҳисобланади. Бироқ, соҳадаги коррупция инсон ҳаёти учун ҳам бевосита хавф туғдиради: хусусан, 2023 йил 6 февралда Туркия ва Сурияда содир бўлган кучли zilзилада 59 мингдан ортиқ инсон ҳалок бўлиб, 230 мингдан зиёд бино вайрон қилинди. Экспертлар қурилиш сифатининг пастлиги, арзон ва ноқонуний материаллардан фойдаланиш, сейсмик меъёрларга риоя этилмаслиги ва коррупцияни энг муҳим омил сифатида қайд этдилар⁴. The Infrastructure Transparency Initiative (Инфрагузилмада шаффофлик, иштирок ва ҳисобдорликни яхшилаш фаолиятини амалга оширувчи глобал етакчи ташкилот – CoST) таҳлилларига кўра, 2030 йилгача инфрагузилма лойиҳаларида самарасиз бошқарув ва коррупция туфайли юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар йилига 6 триллион АҚШ долларига етиши тахмин қилинмоқда⁵. Бу эса ушбу соҳадаги коррупцияни барқарор равишда камайтириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Республикамызда қурилиш соҳасини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президент раҳбарлигидаги 2024 йил 29 январь ва 2025 йил 5 март кунги

¹ <https://www.transparency.org/en/publications/bribe-payers-index-2011>

² <https://www.linkedin.com/pulse/building-integrity-anti-corruption-strategies-global-construction--tme5c/>

³ <https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/networks/galvanizing-the-private-sector/Infrastructure-Anti-Corruption-Toolbox-Handbook.pdf>

⁴ Aktaş, Y. D., So, E., Johnson, C., Dönmez, K., Özden, A. T., Vatteri, A. P., O’Kane, A., Kalkan, A., Andonov, A., Verrucci, E., Çabuk, E., Opabola, E., Malcıoğlu, F. S., Marko, H. P., Giardina, G., Madabhushi, G., Triantafyllou, I., Byun, J. E., Jones, J. N., Asinari, M., Free, M., Bashein, M., Bektaş, N., Adamidis, O., Gözenoğlu, Ö., Milillo, P., Dede, Ş., Boulton, S. J., Açıkgöz, S., Gökçe, T., Efeoğlu, T., Tetik, T., Novelli, V., Gonnuru, P., Voelker, B., Tavakkoli, A., Macchiarulo, V., Gutierrez-Urzu, F., Freddi, F. & Rossetto, T. (2024). The Türkiye Earthquake Sequence of February 2023: A Longitudinal Study Report by EEFIT. Earthquake Engineering Field Investigation Team (EEFIT), Institution of Structural Engineers (IStructE). DOI: 10.13140/RG.2.2.15906.40641

⁵ <https://www.weforum.org/stories/2016/02/why-is-the-construction-industry-so-corrupt-and-what-can-we-do-about-it/>

йиғилишларда айнан лойиҳа, тендер ва назорат жараёнларидаги коррупцияни қатъий бартараф этиш вазифаси белгилаб берилган. Сўнгги йиллар статистикаси соҳада тизимли муаммолар сақланаётганини тасдиқламоқда: 2023 йилда мамлакат бўйлаб 4 мингга яқин ноқонуний қурилиш⁶, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида эса 448 нафар шахсга нисбатан 227 та коррупциявий жиноят иши қайд этилган⁷. 2024 йилда соҳадаги коррупциявий жиноятлар натижасида келтирилган зарар кескин ўсиб, 294,11 млрд сўмга етгани (2023 йилда — 100,19 млрд сўм) соҳада тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. “Қурилиш соҳасини коррупциясиз соҳага айлантириш” концепцияси ва “Йўл харитаси” қабул қилинганига қарамай, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги 2023 йилги Очқлик индексида “қизил тоифа”да баҳоланган⁸. Шунинг учун соҳадаги миллий ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, назорат тизимини ислоҳ қилиш ва коррупцияга қарши замонавий механизмларни жорий этиш масалаларини илмий тадқиқот асосида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси (2023), Шаҳарсозлик кодекси (2021), Уй-жой кодекси (1999), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони (2017), “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (2018), “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2019), “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги (2020), “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (2025) ва “Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизмларини такомиллаштириш, жараённинг очқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2022) қарорларида ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашининг ташкилий – ҳуқуқий

⁶ https://t.me/Press_Secretary_Uz/3739

⁷ <https://telegra.ph/Qurilish-va-uy-joy-kommunal-xojaligi-sohasida-nazorat-inspeksiyasining-Korrupsiyaga-qarshi-kurashish-ishlarining-samaradorligi-r-06-12>

⁸ <https://index.anticorruption.uz/news/39>

асосларини такомиллаштириш диссертация мавзуси сифатида шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Коррупцияга қарши курашиш илмий ёндашувлар асосида янги ўрганилаётган соҳа бўлгани сабабли бу борада фақат умумий-назарий манбалар мавжуд бўлиб, юртимиз олимларидан А.Атажанов суд тизимида, М.Абдуллаева халқ таълими соҳасида, У.Алоев қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш, Т.Кенжаев коррупцияга қарши экспертиза, С.Маманов “комплаенс-назорат”, Б.Исмоилов коррупцияга қарши курашишда прокурор назорати, О.Исмоилов коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни фош этиш усулларини такомиллаштириш, М.Мухаммадиева фуқаролик жамияти институтларида, З.Қўчқаров, Ф.Ғайбуллаев ва Г.Абдурасуловлар олий таълим тизимида коррупция, Т.Сафаров идоравий коррупцияга қарши курашиш механизмлари, А.Мавлонов коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланиш масалаларини тадқиқ қилганлар.

Қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг илмий-назарий, амалий жиҳатларини тадқиқ этиб ўрганиш кўпроқ ривожланган хорижий давлатларнинг олимлари ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, Хитойлик олимлар Альберт Чан ва Юн Ли томонидан қурилиш лойиҳаларидаги коррупция сабаблари, Доктор Овусу Эммануэл Кингсфорд қурилиш соҳасидаги коррупция шакллари, Минг Шан давлат қурилиш секторидаги коррупция, Италиялик олимлар Жоржио Локателли ва бошқалар давлат лойиҳаларидаги коррупция, АҚШлик олим Жаҳон банки мутахассиси Чарлз Кенни инфратузилмадаги коррупция, Табиш ва Кумар Неераж Жа Ҳиндистондаги давлат харидларидаги қоидабузарликлар, Пол Энтони Боуен ва бошқалар Жанубий Африка қурилиш саноатидаги коррупция, Мурат Гундуз ва Ойтун Ондер томонидан Туркия қурилиш саноатидаги ички фирибгарлик ва коррупция муаммоси мавзуларида тадқиқотлар амалга оширилган⁹.

Юқоридаги асослар, танланган диссертация мавзуси доирасида илмий изланишларни олиб бориш нафақат зарурият, балки мустақил тадқиқот сифатида илк мартаба комплекс жиҳатдан илмий ўрганиш учун асос яратди. Диссертация натижалари келгусида шу каби илмий тадқиқотларга методологик асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, “Коррупция муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган (2023-2025).

Тадқиқотнинг мақсади қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини

⁹ Бу ва юқоридаги бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишга оид илмий-назарий асослар моҳиятини таҳлил қилиш асосида “қурилиш назорати”, “давлат қурилиш назорати”, “қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупция” тушунчаларига илмий таъриф ишлаб чиқиш;

қурилишни назорат қилиш ва амалга ошириш фаолиятида коррупциянинг хусусиятлари, сабаблари ва намоён бўлиш шаклларини тадқиқ этиш;

қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг давлат-ҳуқуқий механизмидаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш;

қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашишда рақамлаштиришнинг ўрни ва хусусиятларини таҳлил этиш;

хорижий давлатларнинг қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашишдаги ижобий тажрибаларини ўрганиш ва уларни миллий амалиётга татбиқ этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ёндашувлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти, халқаро стандарт ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этишда илмий билишнинг анализ ва синтез, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўров ўтказиш, амалиёт материалларини таҳлил қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ бериладиган мажбурий кўрсатмаларни тўлиқ бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши тўғрисидаги таклиф илмий асослантирилган;

объектларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг рухсатномасиз қуриш учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши тўғрисидаги таклиф илмий асосланган;

қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши тўғрисидаги таклиф илмий жиҳатдан асослантирилган;

қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш ва объектларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасиз қуриш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши тўғрисидаги таклиф илмий жиҳатдан асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қурилиш назорати тизимини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаш, соҳадаги муносабатларни комплекс тартибга солиш, шаффофлик ва самарали назоратни таъминлаш, шунингдек қурилиш ишлари сифати ҳамда назорат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш мақсадида “Қурилиш назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

қурилишда самарали назоратни таъминлаш мақсадида хусусий (нодавлат) ташкилотларни жараёнга жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари ишлаб чиқиш орқали назорат тизимида рақобат ва холисликни ошириш имкони асослаб берилган;

қурилиш соҳасида замонавий рақамли технологиялар, жумладан BIM тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланувчиларни солиқ имтиёзлари, тендерларда устуворлик ҳамда рейтинг баллари орқали рағбатлантириш таклифи ишлаб чиқилиб, бу орқали назорат жараёнида самарадорлик ва шаффофлик оширилиши асослаб берилган;

қурилиш соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар иштирокидаги пудрат ташкилотлари тўғрисида марказлашган давлат реестрини юритиш амалиётини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилиб, бу орқали соҳа иштирокчилари ўртасида шаффоф рақобат муҳити шакллантириш мумкинлиги асосланган;

қурилиш жараёнида лойиҳа ташкилотининг мажбурий кўрсатмаларини бажармаслик, рухсатсиз қурилиш ишларини амалга ошириш, қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш, қурилиш соҳасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид талабларни бажармаслик ҳамда шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш натижасида оғир оқибатларга олиб келувчи ҳолатлар учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 99-моддасида ва Жиноят кодексининг 229³-моддасида жавобгарлик чораларини белгилаш зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек, диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар коррупцияга қарши курашишга оид назарий қарашларга, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормаларига, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга, ижтимоий сўров натижаларига асосланганлиги (2135 нафар прокуратура ходимлари, 25 нафар судья, 23 нафар қурилиш соҳаси вакили фикрини ўрганиш мақсадида сўровнома-анкета тарқатилди) фойдаланилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари қурилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан 2019-2024 йиллардаги амалиёт ва таҳлилий материаллари, 100га яқин суд ҳукмларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 мартдаги ЎРҚ-1050-сонли “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 3 мартдаги “Қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-1042-сонли Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар қурилиш соҳасида коррупцияга қарши сиёсатни такомиллаштириш, соҳадаги ҳуқуқий ислохотларни замонавий ва комплекс асосда ривожлантиришда амалий қўлланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу натижалар Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Тошкент давлат юридик университети ва юридик факультетлардаги ўқув жараёнида, хусусан “Коррупцияга қарши кураш”, “Прокурор назорати” ва “Маъмурий ҳуқуқ” фанлари бўйича маъруза, семинар ва ўқув-методик материаллар тайёрлашда ҳамда кейинги илмий тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ бериладиган мажбурий кўрсатмаларни тўлиқ бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексининг 99-моддаси 3-қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг 2025 йил 03 июндаги 04/7-10-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши қурилишдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар, хусусан сифатсиз материаллар қўллаш, ноқонуний келишувлар, лойиҳа ҳужжатлари ва шаҳарсозлик қонунларига риоя қилмаслик ҳолатларини олдини олиш орқали бинолар ва иншоотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган.

объектларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг рухсатномасисиз қуриш учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 99-моддаси 9-қисмига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг 2025 йил 03 июндаги 04/7-10-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши қурилишга рухсатнома олиш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган коррупциявий хатти-ҳаракатлар, хусусан пора, ноқонуний (рухсатсиз) қурилишлар бўйича келишувлар ва кўз юмиш ҳолатларининг олдини олиш орқали шаҳарсозлик қонунларига қатъий риоя қилиниши ҳамда давлат назорати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229³-моддасининг 1-қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг 2025 йил 03 июндаги 04/7-10-5-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилишдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда қурилиши тугалланмаган объектлардан ноқонуний фойдаланишга йўл қўйилишини олдини олиш ва давлат назорати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш ва объектларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасисиз қуриш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229³-моддасининг 6-қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари

қўмитасининг 2025 йил 03 июндаги 04/7-10-5-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши қурилишда ҳуқуқий назорат ва жавобгарликни кучайтириш, объектни фойдаланишга рухсат беришдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва қонун бузилишларига қарши қатъий чораларни таъминлаш, бинолар сифати, инсон ҳаёти ҳамда саломатлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та (1 та хорижий, 3 та республика) илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 14 та илмий мақола, шундан 12 та миллий ва 2 та халқаро журналларда, конференцияларда 4 та, шундан 1 та хорижий, 3 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 8 параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари”** номли биринчи бобида қурилиш назорати, унинг зарурияти, қурилишни назорат қилиш ва амалга ошириш фаолиятида коррупциянинг ўзига хос хусусиятлари, қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг назарий-ҳуқуқий асослари комплекс тарзда таҳлил қилинган.

Аввало, қурилиш соҳасининг иқтисодиётдаги стратегик ўрни, инфратузилма ривожини, янги иш ўринлари яратилиши ва жамият фаровонлигига таъсири илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ҳаммурапи кодекси, Англия ва АҚШдаги дастлабки қурилиш қоидалари каби манбалар таҳлили орқали қурилиш назоратининг эволюцияси ёритилиб, назоратнинг дастлаб фақат аҳоли хавфсизлигига қаратилган оддий шаклдан хавфсизлик, энергия самарадорлиги, экологик барқарорлик ва фуқаролар

ҳуқуқларини таъминлашни ўз ичига олган кўп қиррали тизимга айланиб боргани кўрсатилган.

Ҳуқуқий адабиётлардаги турли ёндашувлар таҳлили асосида “қурилиш назорати” ва “давлат қурилиш назорати” тушунчаларининг мазмун-моҳияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Р. Кононов, Е. Захаров, Н.П. Четверик, С.А. Сибиряков, Л.В. Воронов, Е.В. Павлов каби олимларнинг назорат ва давлат назоратига оид фикрлари қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг афзал ва чекланган томонлари кўрсатилган. Шу асосда муаллиф томонидан “қурилиш назорати”га давлат ва нодавлат субъектлари, ички ва жамоатчилик назоратини қамраб олган, қонун ва техник меъёрларга риоя этилишини таъминловчи комплекс ташкилий-ҳуқуқий механизм сифатида; “давлат қурилиш назорати”га эса ваколатли давлат органлари томонидан шаҳарсозлик қонунчилиги, қурилиш қоидалари ва техник стандартларга риоя этилишини текширишга қаратилган махсус давлат бошқаруви функцияси сифатида муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган. Шу билан “қурилиш назорати” умумий тизим сифатида, “давлат қурилиш назорати” эса унинг институционал, маъмурий ваколатга эга бўлган бир қисми экани илмий асосда фарқлантирилган.

Муаллиф таҳлиллар асосида амалдаги қурилиш назорати бир қатор қонуности ҳужжатларида тарқоқ ҳолда тартибга солинганини қайд этиб, ҳуқуқий ноаниқликлар, ваколатлар такрорланишини олдини олиш, назорат субъектларининг ҳуқуқий мақоми, ваколат ва жавобгарлик чегаралари, рақамли назорат ва жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини етарлича белгилаш мақсадида қурилиш назорати муносабатларини комплекс тарзда тартибга солувчи “Қурилиш назорати тўғрисида”ги алоҳида қонун қабул қилиниши заруриятини асослаган.

Илмий ишда Буюк Британия, Ирландия, Германия, Франция, Нидерландия, Норвегия ва Англия–Уэлс тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиниб, Европа амалиётида кенг қўлланаётган сертификатланган хусусий мутахассислар ва махсус хусусий назорат ташкилотларини қурилиш назорати жараёнига жалб этиш механизми юқори самара бераётганини илмий асосда кўрсатилган. СЕВС ҳисоботлари асосида бундай субъектларга қўйиладиган талаблар — касбий малака, амалий тажриба, жавобгарлик суғуртаси ва институционал мустақиллик — таҳлил этилиб, қурилиш сифати назоратини кучайтириш, давлат органлари юқини камайтириш ва назорат бозорида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда давлат назоратини тўлдирувчи сертификатланган хусусий назорат институтларини жорий этиш таклиф этилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимида содир этилган коррупциявий жиноятлар статистикаси (2020–2024 йиллар) таҳлил қилиниб, жиноятлар сони айрим йилларда қисқарганига қарамасдан, етказилган зарар миқдори кескин ошгани, жиноятлар асосан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тендер ва сметаларни сохталаштириш, пудратчилар билан тил бириктириш орқали бюджет маблағларини талон-

торож қилиш билан боғлиқ экани юзага чиқарилади. Бу ҳолат соҳадаги назорат механизмларини кучайтириш, рақамлаштириш ва жамоатчилик назоратини кенгайтириш заруратини кўрсатувчи илмий-амалий хулоса сифатида келтирилади.

Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари алоҳида ўрганилиб, ҳуқуқий асослар шартли равишда халқаро, миллий қонунлар ва қонуности ҳужжатлар гуруҳларига ажратилган.

Муаллиф коррупцияга қарши сиёсат ривожланишини шартли равишда уч босқичга: умуммиллий ҳуқуқий пойдевор шакллантирилган дастлабки давр; қурилиш соҳасига оид махсус қарор ва дастурлар орқали “Шаффоф қурилиш” ахборот тизими, рақамли тендерлар ва комплаенс-назорат жорий этилган босқич; ҳамда вазирликнинг ички буйруқлари, одоб-ахлоқ комиссиялари, махсус коррупцияга қарши бўлимлар, ISO 37001:2016 стандарти ва хизмат текширувлари механизмлари шакллантирилган идоравий даражадаги босқичга ажратади.

Бобда муаллиф бир қатор ташкилий-ҳуқуқий таклифларни илгари суради. Жумладан, давлат қурилиш назорати инспектори тушунчасини қонун даражасида мустақамлаш, уларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарлигини аниқ белгилаш; Вазирлар Маҳкамасининг 496-сон қарори билан тасдиқланган маъмурий регламентни рақамлаштириш асосида қайта кўриб чиқиш, текширувларни фуқаролар мурожаатлари, дрон ва геокосмик мониторинг, электрон ҳужжат айланмаси, QR-кодли объект паспортлари орқали амалга ошириш; маъмурий жарима ва рухсатномалар бўйича қарорлар қабул қилишни электрон тизимга интеграция қилиш; “Шаффоф қурилиш” платформасини объектлар бўйича реал вақт режимида маълумотлар, фото/видео ёзувлар ва назорат натижаларини акс эттирувчи интерактив очик панелга айлантириш; комплаенс ходимининг мустақиллигини таъминлаш, унинг тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлаш, хизмат текширувлари тартибини аниқ нормалар билан белгилаш каби таклифлар илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш механизмлари замонавий илмий назариялар, халқаро стандартлар ва миллий амалиёт асосида ўрганилиб, прокуратура органларининг қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашдаги роли ҳамда қурилиш жараёнларининг шаффофлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро илмий ёндашувлар қиёсий таҳлил қилиниб, мавжуд механизмлар тизимлаштирилган. Ал-Баяти ва С.Аланазий томонидан қурилишда коррупцияга қарши чоралар тартибга солувчи, маъмурий,

мувофиқлик, рағбатлантириш, тергов ва интизомий чоралар сифатида таснифлангани, Ч. Кенни, Ж. Лехтинен, П. Зоу, Э. Овусу, М. Соҳаил ва С. Савилл, Нордин, Тақим, Навави, шунингдек Transparency International, OECD ва БМТ каби халқаро институтлар томонидан шаффофлик, очиқ маълумотлар, мустақил аудит, шартнома мониторинги, хулқ-атвор кодекси, хабар бериш (whistleblowing) каналлари, лавозим ротацияси ва махсус ўқув-тренинглар энг самарали антикоррупция воситалари сифатида тавсия этилгани кўрсатиб берилган.

Ушбу илмий манбалар ва тавсиялар таҳлили асосида муаллиф қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш механизмларини тўрт асосий гуруҳга — превентив (профилактик), реактив (жавобгарлик ва санкциялар), ташкилий (институционал) ҳамда ахлоқий-ижтимоий механизмларга ажратади ва бу таснифни илмий асослайди. Муаллиф хулосасига кўра, ўзига хос хавфлари юқори бўлган қурилиш соҳасида самарали коррупцияга қарши сиёсат алоҳида чора-тадбирларни эмас, балки ушбу тўрт йўналиш ўзаро уйғунлашган комплекс профилактика тизимини шакллантиришни талаб қилади.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг давлат-ҳуқуқий механизмидаги ўрни ва роли алоҳида тадқиқ этилиб, БМТнинг “Прокурорларнинг роли тўғрисидаги қўлланмаси”, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, шунингдек, GRECOнинг баҳолаш материаллари асосида прокуратура коррупцияга қарши курашишда жазосизликка барҳам бериш, қонун устуворлиги ва давлат маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашда марказий бўғин эканлиги кўрсатилган. И. Дондуранд, Лангер ва Скланский, Г. Торал каби олимлар тадқиқотларига таяниб, прокуратура фаолияти коррупцияга қарши курашда “қонун устуворлигининг институционал кафолати” сифатида намоён бўлиши, Торалнинг Бразилия муниципалитетлари мисолидаги эмпирик тадқиқоти прокурорлик институтлари фаолият юритадиган ҳудудларда жиддий қонунбузарликлар сезиларли даражада камайишини исботлагани таъкидланади. Миллий қонунчилик таҳлилида Президент фармон ва қарорлари, хусусан ПФ-5019, ПҚ-4464, ПҚ-425, ПҚ-43 ва бошқа ҳужжатлар асосида прокуратурага қурилиш соҳасида юклатилган вазифалар тизимли ёритилади. Бош прокуратуранинг статистик маълумотлари таҳлили асосида 2019–2024 йилларда қурилиш соҳасида ўтказилган текширувлар, аниқланган қонунбузилишлар, қўзғатилган жиноят ишлари, талон-торож ва ўзлаштириш ҳолатларида қопланган зарарлар, ортиқча харажатларнинг олди олиниши, давлат дастурлари объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишга эришилгани мисол тариқасида келтирилади ва прокурор назоратининг амалдаги самараси очиқ берилади.

Муаллиф Россия Федерацияси ва Қозоғистон амалиёти таҳлили асосида, прокурор талабини давлат қурилиш назоратини амалга оширишнинг мустақил ҳуқуқий асоси сифатида миллий қонунчиликка киритиш зарурлигини илгари

суради. Бундай нормани жорий этиш назорат тадбирларининг кечикишини бартараф этиши, ҳуқуқни қўллашдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириши ва коррупция хавфини сезиларли даражада камайтиришини муаллиф илмий асосда кўрсатиб беради.

Шунингдек, FATFнинг risk-based supervision бўйича кўрсатмаларига таяниб, “Қурилишда коррупция ва қонунбузарликка қарши хавф-индекси тизими”ни ишлаб чиқиш, яъни объектларни хавф даражасига кўра баҳолаб, ресурсларни юқори хавфли объектларга йўналтириш, прокурор ва назорат органларининг эътиборини биринчи навбатда ана шу объектларга қаратиш бўйича таклиф илмий жиҳатдан асосланади. Бобда прокуратура органларининг қурилиш соҳасидаги фаолияти профилактик, жиноий таъқиб ва тергов, назорат-текширув ҳамда мувофиқлаштириш йўналишларига ажратилган.

Диссертацияда қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашишда рақамлаштириш, сунъий интеллект ва ВІМ технологияларининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари кенг ёритилган. McKinsey Global институти, С. О. Абиое, Н. Меленбринк, Ч.Фу-Чиен, Ф.Чен, А.Берхе, Х. Кевин ва М. Голпарвар-Фард каби олимлар тадқиқотлари таҳлили қурилиш саноати дунёда энг кам рақамлаштирилган тармоқлардан бири бўлиб қолаётгани, рақамли технологиялардан фойдаланиш эса маҳсулдорликни ошириш, харажатларни қисқартириш, лойиҳалар кечикишини камайтириш ва хавфсизликни кучайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини кўрсатилган.

Шунингдек, Буюк Британия, АҚШ, Сингапур ва Европа Иттифоқи тажрибаси мисолида ВІМ технологиялари ва “рақамли эгизаклар”дан фойдаланиш орқали объект қуриш харажатларини 20–25 %га, эксплуатация харажатларини 35%дан ортиққа камайтириш, лойиҳалар муддатини қисқартириш, тендер ва шартномалар шаффофлигини ошириш мумкинлиги кўрсатилади. А.Берхенинг ВІМ орқали Эфиопияда қурилишда коррупция хавфини пасайтиришга доир хулосалари, шунингдек Европа Комиссияси ва бир қатор давлатлар (Британия, Германия, Сингапур, Қозоғистон, Россия)да давлат буюртмаларида ВІМни босқичма-босқич мажбурий қилиш амалиёти бунга мисол сифатида келтирилади.

Миллий даражада ПФ-6119, ПФ-6079, ПҚ-358, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси, “Қурилиш тармоғини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш стратегияси”, “Шаффоф қурилиш”, “Ақлли қурилиш” каби ҳужжатлар таҳлили орқали қурилишни ер ажратишдан тортиб объектни фойдаланишга қабул қилишгача бўлган барча босқичларни рақамлаштириш, ягона электрон платформа, фото-видео қайд, мобиль иловалар (“Огоҳ фуқаро” ва бошқалар) орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш коррупция хавфини камайтиришга хизмат қилаётгани асослаб берилган.

Муаллиф сунъий интеллект ва машинани ўрганиш технологияларини қурилиш назоратига жорий этиш имкониятларини таҳлил қилиб, хусусан бетон конструкцияларида ёриқларни юқори аниқликда аниқлаш, дрон ва

масофавий зондлаш орқали ноқонуний қурилишларни автоматик белгилаш, сенсор ва камералар асосида оғишларни реал вақтда мониторинг қилиш ҳамда текширувларни масофадан ташкил этиш имкониятларини илмий асосда кўрсатиб беради.

Шундан келиб чиқиб, муаллиф қуйидаги а) давлат буюртмачиси иштирокидаги ўрта хавфли объектларда ВІМ платформаларидан фойдаланишни тест тартибида мажбурий қилиш; б) лойиҳачи ва пудратчиларга рақамли технологиялардан фойдалангани учун солиқ имтиёзлари, тендерларда устувор баллар ва рейтинг орқали рағбатлантириш; в) қурилишда техник ва муаллифлик назорати журналларини махсус планшетлар орқали электрон тарзда, фото-видео қайд асосида юритиш ва уларни прокуратуранинг “Бюджет назорати” тизими, “Шаффоф қурилиш” платформаси билан интеграция қилиш; г) сунъий интеллектга асосланган “рақамли хавф-профиллаштириш” ва ноқонуний қурилишлар бўйича автоматик огоҳлантириш тизимини жорий қилиш; ғ) Туркия тажрибасидаги “Clean Construction System”га ўхшаш, жамоатчиликка реал вақтда маълумот берувчи очиқ портал ишлаб чиқиш таклифларни илгари сурган. Шу билан бирга, СИ ва рақамли технологияларни жорий этиш ходимларни ўқитиш, маълумотлар хавфсизлиги, юқори дастлабки сарф-харажатлар ва технологик қарамлик каби қийинчиликларни ҳам келтириб чиқариши тан олиниб, бу масалаларни ҳал этиш йўллари ҳақида умумий хулосалар берилган.

Диссертациянинг **“Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили”** деб номланган учинчи бобида қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро тажриба, соҳадаги коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертацияда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, OECD Порахўрликка қарши конвенцияси, Жаҳон банки, FIDIC шартномалари, ISO 37001 стандарти, Transparency International, GIACC, PACI, IACA каби халқаро институтлар ва уларнинг қурилиш соҳасидаги антикоррупция талаблари таҳлил қилинган. Сингапур, БАА, Қатар, Германия, Буюк Британия каби давлатларнинг рақамлаштирилган қурилиш назорати, очиқ тендерлар, Integrity Pact, ташқи техник аудит ва корпоратив жавобгарликка оид илғор амалиёти қиёсий ўрганилган. Тадқиқот натижасида қурилишда коррупциянинг олдини олишда рақамли платформалар, очиқ маълумотлар реестри, мустақил мониторинг ва фуқаролик жамияти иштирокини кучайтириш ҳал қилувчи омил экани илмий асосланган. Муаллиф томонидан миллий қонунчиликка халқаро стандартларга мос қоидаларни имплементация қилиш, давлат буюртмаларида очиқ шартномалар ва жамоатчилик назорати механизмларини кенг жорий этиш, шунингдек миллий жиноят қонунчилигида трансмиллий коррупция жиноятлари бўйича юрисдикцияни кенгайтириш, хорижий

мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик ва айрим оғир коррупциявий ҳаракатлар бўйича универсал юрисдикция принципини назарда тутиш таклифлари илгари сурилган.

Шунингдек, Ўзбекистондаги амалдаги шаҳарсозлик, маъмурий ва жиноят қонунчилиги, шунингдек, қурилиш соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар статистик маълумотлари ҳамда суд амалиёти таҳлил қилинган.

Қонун ҳужжатларида лойиҳа ташкилотининг кўрсатмаларига риоя этмаслик, экспертиза ҳулосасисиз ёки рухсатномасиз қурилиш, объектларни ноқонуний фойдаланишга қабул қилиш, экологик меъёрларни бузиш каби ҳолатлар учун аниқ ва мустақил жавобгарлик нормалари етарлича эмаслиги, бу эса коррупциявий схемалар ва жазосизликка шарт-шароит яратаётгани асослаб берилган.

Муаллиф томонидан хорижий давлатлар (Қозоғистон, Германия, Италия, Беларусь, Грузия ва бошқалар) қонунчилиги мисолида қурилиш соҳасида махсус маъмурий моддалар, “коррупция реестри”, ички хабар бериш тизимлари ва шаҳарсозлик қоидаларини қўпол бузиш учун алоҳида жиноий таркиб жорий этилгани кўрсатиб берилган.

Диссертацияда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга лойиҳа муаллифи кўрсатмаларига риоя этмаслик, экспертиза ҳулосасисиз ва рухсатсиз қурилиш, фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш ва қурилиш жараёнида атмосфера ҳавосини ифлослантириш учун алоҳида жавобгарлик нормаларини киритиш, шунингдек Жиноят кодексига шаҳарсозлик меъёрларини қўпол бузиш натижасида инсон ўлими ёки оғир оқибатлар юзага келганда махсус жиноий таркибни белгилаш таклифи этилган. Бу ислоҳотлар орқали ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, қурилиш сифати ва хавфсизлигини ошириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш ва коррупция хавфларини кескин камайитириш мумкинлиги ҳулоса қилинган.

ХУЛОСА

“Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ҳулосаларга келинди:

I. Қурилиш назоратида коррупцияга қарши курашишга оид илмий-назарий ҳулосалар:

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

“Қурилиш назорати” – бу қурилиш соҳасида қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, қурилиш фаолиятининг белгиланган тартибда амалга оширилиши устидан давлат сиёсати доирасида турли даражадаги давлат ва нодавлат субъектлари томонидан амалга ошириладиган ягона механизмни

ташкил этувчи комплекс ташкилий-ҳуқуқий ва назорат чора-тадбирлари мажмуасидир.

“Давлат қурилиш назорати” – шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг бино ва иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида қонун ҳужжатлари талаблари, қурилиш қоидалари ва техник шартларга риоя этилишини таъминлаш, фуқаролар хавфсизлиги, бино ва иншоотларнинг ишончлилиги, чидамлилиги, санитария, экологик ва ёнгин хавфсизлиги талабларига амал қилиниши устидан махсус ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган давлат бошқаруви функциясидир.

“Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишдаги коррупция” – бу қурилиш соҳасида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш ваколатига эга мансабдор шахслар, шунингдек, қурилиш жараёнида иштирок этувчи субъектлар (бюроетмачи, пудратчи, лойиҳа, эксперт ва техник назорат ташкилотлари ҳамда бошқа масъул шахслар) томонидан шахсий ёки бошқа шахслар манфаати йўлида ўз хизмат ёки касбий вазифаларини суиистеъмол қилиш, қурилиш соҳасидаги назорат ваколатларини ҳуқуқий меъёрларни бузган ҳолда амалга ошириш ёки лозим даражада бажармаслик орқали лойиҳалаш, экспертиза, рухсат бериш, назорат ўтказиш, қурилиш ишларини баҳолаш ёки объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёнларига ноқонуний таъсир кўрсатиш, манфаат эвазига гайриқонуний афзаллик бериш ёхуд фаолиятнинг қонунийлиги, хавфсизлиги ва шаффофлигини бузишга олиб келадиган ҳуқуқбузарлик туридир.

Қурилиш назорати инспектори – давлат қурилиш назорати ваколати доирасида қурилиш монтаж ишларининг барча босқичларида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, қонунчилик, шаҳарсозлик нормалари ва техник стандартларга риоя этилишини назорат қилувчи, шунингдек, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари назорат тизимлари устидан давлат назоратини амалга оширувчи, вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги қонун билан белгиланган ваколатли давлат хизматчиси.

2. **“Қурилиш назорати”** умумий тушунча бўлиб, давлат, нодавлат ва жамоатчилик назоратини қамраб олади ҳамда қурилиш жараёнларида қонунчилик ва техник меъёрларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган. **“Давлат қурилиш назорати”** эса ушбу тизимнинг махсус ҳуқуқий институт сифатида ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган шакли бўлиб, шаҳарсозлик қонунлари ва стандартларга риоя этилишини, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар учун санкцияларни қўллашни таъминлайди. Шу маънода давлат назорати умумий қурилиш назорати тизимининг маъмурий ваколатлар билан таъминланган таркибий қисми ҳисобланади.

3. Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупциянинг асосий сабаблари уч гуруҳга ажратилади: **ижтимоий омиллар** — шахсий манфаатдорлик, касбий этика ва ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги; **ташкилий омиллар** — назорат механизмларининг заифлиги ва ресурслардан нотўғри фойдаланиш; **норматив-ҳуқуқий омиллар** — жавобгарлик чораларининг

